# Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (3-дарс)

05:00 / 09.01.2017 4759

3-дарс.

**3-Матн:**

**Кейин такбир айтар эдилар.**

**3-Матннинг далиллар**:

١-حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِى شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنِ ابْنِ عَقِيلٍ عَنْ مُحَمَّدِ ابْنِ الْحَنَفِيَّةِ عَنْ عَلِىٍّ رضى الله عنه قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- « مِفْتَاحُ الصَّلاَةِ الطُّهُورُ وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ »

1. Алий розияллоҳу  анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Намознинг калити таҳоратдир. Унинг таҳримаси такбирдир. Таҳлили эса саломдир”,** дедилар”. Термизий ривояти. Ҳоким ва Ибн Сакан бу ҳадисни саҳиҳ дейишган.

٢-أَخْبَرَنَا أَبُو الْحَسَنِ: عَلِىُّ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عَلِىٍّ الْمُقْرِئُ أَخْبَرَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ يَعْقُوبَ الْقَاضِى حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ عُمَرَ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِى إِسْحَاقَ عَنْ أَبِى الأَحْوَصِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: مِفْتَاحُ الصَّلاَةِ التَّكْبِيرُ، وَانْقِضَاؤُهَا التَّسْلِيمُ.

2. Абдуллоҳ )ибн Масъуд( розияллоҳу  анҳудан ривоят қилинади: “Намознинг калити такбирдир. Уни адо қилувчиси саломдир”. Буни Абу Нуъайм “Намоз китоби”да ривоят қилган. Ҳофиз “Талҳис”да ҳадиснинг санадини саҳиҳ деган. (Осорус Сунан 1/63).

**4-Матн:**

**Қўллари кўтарилган ҳолда бармоқлари орасини очар эдилар. Лекин мутлақ очиқ ҳам ва мутлақ ёпиқ ҳам бўлмай балки уларни ўз ҳолига қўяр эдилар. Кафтларининг ичини қиблага қаратардилар.**

**4-Матннинг далиллар:**

١-وأَخْبَرَنَا أَبُو عَبْدِ اللَّهِ الْحَافِظُ حَدَّثَنَا أَبُو الْعَبَّاسِ: مُحَمَّدُ بْنُ يَعْقُوبَ حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ مَرْزُوقٍ الْبَصْرِىُّ بِمِصْرَ حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِىُّ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِى ذِئْبٍ

عَنْ سَعِيدِ بْنِ سَمْعَانَ قَالَ: دَخَلَ عَلَيْنَا أَبُو هُرَيْرَةَ مَسْجِدَ بَنِى زُرَيْقٍ فَقَالَ: ثَلاَثٌ
كَانَ رَسُولُ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- يَعْمَلُ بِهِنَّ تَرَكَهُنَّ النَّاسُ، كَانَ إِذَا قَامَ
إِلَى الصَّلاَةِ قَالَ هَكَذَا ، وَأَشَارَ أَبُو عَامِرٍ بِيَدِهِ وَلَمْ يُفَرِّجْ بَيْنَ أَصَابِعِهِ وَلَمْ يَضُمَّهَا.

1. Саид ибн Самъон айтади: “Бани Зурайқ масжидида бизнинг олдимизга Абу Ҳурайра кириб келиб шундай деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амал қилиб юрадиган учта нарса бор эди, одамлар уни тарк қилишмоқда: “Қачон у зот намозга турсалар шундай дердилар”. Абу Омир қўли билан кўрсатди. Бармоқлари орасини очиб ҳам юбормади, ёпиб ҳам олмади. Ҳоким “Мустадрок”да ривоят қилиб, шундай деган: “Санади саҳиҳдир. Буни икки шайх келтиришмаган. Имом Заҳабий ҳам шуни тақрир қилган. (Ал-Мустадрак ала саҳиҳайн 1/234). Саид ибн Самъон Мадина аҳлидан бўлган тобеъинлардандир.

٢-ما أخبرناه أبو محمد أحمد بن عبد الله المزني ثنا أبو جعفر الحضرمي وعبد
الله بن غنام قالا ثنا عبد الله بن سعيد الأشج ثنا يحيى بن اليمان عن بن
أبي ذئب عن سعيد بن سمعان عن أبي هريرة كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
ينشر أَصَابِعَهُ فِي الصَّلَاةِ نشرا "

2. Абу Ҳурайра розияллоҳу  анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда бармоқларини ўз ҳолида ёярдилар”. Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган 1/235.